50196 96
№ 35

# ҲАР ҚАДАМИНГ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, ЮКСАЛИШ ЙИЛИ!

Илм ўзни билмакдир

# Ма'рифат

MA'RIFAT • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1996 йил 3 январь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | 1 (6698)

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ



Муҳтарам ватандошлар!

Аввало, барчангизни кириб келаётган янги йил билан чин қалбимдан табриклашга ижозат бергайсиз.

Эски йилни узатиб қолаётган ҳар бир инсон, бўлиб ўтган воқеаларни, ўз бошига тушган ҳаёт ташвишларини эсга олади, тошу тарози қилади.

Яратганимиздан янги йилда ўзининг, оиласининг, қариндош-уруғларининг, дўст-биродарларининг бахтини, эл-юртимиз тинч ва омон бўлишини сўрайди.

Ҳар қайси инсон шу ҳаётдан катта-катта эзгу умидлар билан яшайди. Ҳеч ким туғилганда миллат ва Ватан танламайди, аммо киндик қони тўкилган еримиз меҳру муҳаббати илк нафас билан жисму жонимизга киради. Биз умр бўйи шу меҳр билан яшаймиз, шу муҳаббатни улуғлаб, фарзандларимизга муқаддас мерос қилиб қолдирамиз.

Бир сўз билан айтганда, эл-юрт ободлиги, Ватаннинг қудрати, фарзандлар камоли ва ватандошлар саодатини кўрмоқ орзуси — ҳар бир тоза ниятли, иймони пок инсон ҳаётининг мазмунидир.

Мана тўрт йилдирки, биз ана шундай юксак орзу-мақсадлар билан яшаб, мўътабар юртимизнинг фаровон келажаги пойдеворини қурмоқдамиз. Холисона сарҳисоб қилиб айтадиган бўлсак, мўлжал этилган режаларга эришиш учун анча ишларни амалга оширдик. Кучимизни, ақл-заковатимизни, фидокорона меҳнатимизни шунга бағишладик. Шукроналар бўлсинким, қилган ишларимиз, чеккан заҳматларимиз энди-энди ўз ҳосилини бера бошлади.

Ўтаётган 1995 йилни кўз ўнгимиздан ўтказар эканмиз, ўлкамиздаги тинчлик, барқарорлик ва осойишталикни қадрлаш зарурлигини яна бир бор англаймиз. Бизнинг ҳаётимиз тинимсиз меҳнат билан, ўзаро ҳамжиҳатлик ва муроса, меҳр ва оқибат, бунёдкорлик ва ободлик руҳи билан ўтмоқда.

Янги йил арафасида халқимизга, ёшу қари, эркагу аёл — сиз азиз юртдошларимга мурожаат этарканман, Сизларнинг белни маҳкам боғлаб, гўзал диёримизнинг буюк истиқболига чин дилдан ишониб, олдиндаги ёруғ манзилларга кўз тикиб, сабру матонат билан фидокорона меҳнат қилганингиз учун тасаннолар айтмоқчиман, чексиз миннатдорлик билдирмоқчиман.

Иншоолло, 1995 йилда чеккан машаққатларимиз ортда қолди. Келаётган 1996 йил ҳаммамиз учун, шу муборак заминда яшаётган ҳар бир инсон учун юксалиш, ўсиш йили бўлғай.

Ўзаро ҳурмат-иззат, бағрикенглик, дўстлик ва ҳамкорлик туйғулари қарор топган юртимиздан тинчлик ва осойишталик, файзу барака асло кўтарилмасин.

Эски йилни кузатиб, янги йилга қадам қўяётган ҳар қайси оила, ҳар қайси одам муқаррар тарзда ўтганларнинг руҳи покларини ёдлаши — халқимизнинг энг мўътабар фазилатидир. Умуман, шундай эзгу дамларда муқаддас қадриятларни, буюк аждодларнинг руҳи покларини эсламоқ хайрлидир. Наслу насабини, аждодлар васиятини унутмаган халқ муқаррар тарзда саодатга эришади.

Ватандошларимизнинг хоҳиш-иродаси билан 1996 йил Амир Темур йили деб эълон қилинди. Келгуси йили у муборак зот таваллудининг 660 йиллиги ер юзида кенг нишонланади. Ишонаманки, бу байрам Ўзбекистоннинг буюк тарихи ва буюк келажагини дунёга намойиш этадиган улкан воқеа бўлади. Ишонаманки, улуғ соҳибқироннинг мардона руҳи бизни ҳамиша ўз ҳимоятида сақлайди, янги ютуқ ва зафарларга чорлайди.

Азиз ватандошлар!

Ушбу табаррук айёмда ҳар бирингизни чексиз меҳр-муҳаббат билан табриклаб бағримга босаман. Янги йилимиз қутлуғ бўлсин, барчамизнинг дилимиздаги олижаноб ниятларимиз рўёбга чиқсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

## ЭЗГУ ТИЛАК

*Янги йил бошланди — кўҳна ҳаётда*
*Бошланди янги руҳ, янги тантана.*
*Эски армонларни қолдириб ортда,*
*Янги орзуларга боғландик яна.*

*Одатда ҳар янги кун-ку мўъжиза,*
*Бутун бир йил эса гўзал жумбоқ, сир.*
*Янги йилдан кимдир рўшнолик кутса,*
*Беҳисоб эҳсонлар кутади кимдир.*

*Янги йил — куррамиз Қуёш гирдидан*
*Омон кезганига таҳсин, шондир бу.*
*Янги йил — ҳаёт ўз ғуборин ювган*
*Покланиш онлари, қутлуғ ондир бу.*

*Ушбу лаҳзаларда ҳар битта юрак*
*Эзгу тилаклардан тошар бетоқат.*
*Лекин йўқолгайми жаҳолат бешак,*
*Путур топмасмикин имон, садоқат?*

*Серғулу асрнинг суронларига*
*Боқаман руҳимда хавотир билан.*
*Не ажаб, юракнинг теран қаърида*
*Безавол хаёллар нурланади шан.*

*Кимдир бу лаҳзалар ошар бир довон,*
*Ўсди башарият тағин бир ёшга.*
*Она сайёрамиз чарх уриб равон —*
*Кетиб борар бағрин тутиб Қуёшга.*

*Навқирон умрнинг дилбар тимсоли —*
*Қара, хушқад арча нур тарар жонга.*
*Бу пайт худди унга боққан мисоли*
*Жаҳон кўз тикар ҳур Ўзбекистонга.*

*Биллур коинотдан берди акс садо*
*Соатларнинг занги, қадаҳ жаранги.*
*Бу тун замин бўйлаб кезар бир сафо,*
*Нафақат йил янги — орзулар янги!*

*Янги йил — янги руҳ, янги шижоат,*
*Кўҳна ҳаёт узра — бир янги нафас.*
*Айтилган тилакка — шу он, шу соат*
*Тоабад муносиб яшай олсак, бас!*

**Мирпўлат МИРЗО**

## БОЛАЛАРГА ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАЛАРИ

Хўжайли шаҳридаги болалар уйи тарбияланувчиларига янги йил, айниқса, қувончли келди. Байрам арафасида уларга мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг совғалари топширилди. Уни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси У. Аширбеков топшириб, кичкинтойларни янги йил билан самимий табриклади. Ранг-баранг ўйинчоқлар билан безатилган арча атрофида болаларнинг ўйин-кулгулари, мусиқа садолари кун бўйи янгради.

Нукус шаҳридаги ўқувчилар саройида, Мўйноқ туманидаги Учсой балиқчилар овулида ҳам болаларга Президент совғалари топширилди.

***

Мамлакатимиздагидек, Жиззах вилояти мактаблари, боғчалари ва меҳрибонлик уйларида янги йил байрами шоду хуррамлик билан кутиб олинмоқда. Вилоят ҳокими А. Тошкентбоев бир неча боғча ва меҳрибонлик уйларида бўлиб, у ерда табрияланаётган кичкинтойларга Президентимиз Ислом Каримовнинг янги йил совғаларини топширди.

***

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг болаларга янги йил совғалари Қашқадарёга ҳам етиб келди. Бу совғалар байрам кунлари меҳрибонлик уйлари, махсус интернатларнинг тарбияланувчилари, ёрдамга муҳтож ҳамда кам таъминланган оилаларнинг кичкинтойларига қувноқ арча атрофида тантанали равишда топширилди.

**(ЎзА).**

## ИШОНЧ МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАЙДИ

Янги йил арафасида Ўзбекистон халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев Сирдарё ва Сурхондарё вилоятларида бўлиб, халқ таълими ходимларининг бир гуруҳига Давлат мукофотларини топширди, қўшалоқ байрам билан қутлади. Шунингдек, вазир ўринбосарлари Хайриддин Маъсудов, Муртазо Султонов, Ҳамидулла Йўлдошев ва вазирликнинг мутасадди вакиллари Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда барча вилоятларда ана шундай маросимларда иштирок этдилар.

Маросимда тақдирланганлар номидан сўзга чиққанлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ўқитувчиларга кўрсатаётган ғамхўрликларини алоҳида мамнуният билан тилга олишди. Бу мукофот улар зиммасига янада катта масъулият юклашини, келажак авлод тарбияси йўлида барча куч-ғайрат ва имкониятларини ишга солишларини изҳор этишди.

**МУХБИРИМИЗ.**




## ЯНГИ ЙИЛ ЯНГИ БОҒЧАДА

Сирғали туманидаги «Навоий» маҳалласининг жажжилари Янги йилда янги боғчада тарбияланишади. Чунки янги йил байрамида маҳалла кичкинтойларининг янги боғчаси ишга туширилди.

Дарвоза пештоқига «Тошкент шаҳар Сирғали туманидаги 605-болалар боғчаси» — деб ёзиб қўйилган бу жажжилар маскани замонавий услубда қурилгани бир қарашдаёқ сезилиб туради. Дарҳақиқат, 480 ўринга эга бўлган, 24 та гуруҳга мўлжалланган янги боғча хоналарининг кенг ва ёруғлиги, барча қулайликларга эгалиги билан диққатни ўзига тортади.

— Бу болалар боғчасининг қуриб ишга туширилишини анчадан буён орзиқиб кутаётган эдик, — дейди боғча мудираси Муҳаббатхон Собирова. — Тўғри, маҳалламизда шу пайттача 3 та болалар боғчаси бор эди. Лекин уларнинг ҳеч бири бугунги замон талабларига тўлиқ жавоб беролмас эди. Мана, ниҳоят орзумизга эришдик. Замонавий услубдаги янги боғчанинг байрам арафасида ишга туширилиши болаларимизга Янги йил совғаси бўлди. Бундай ажойиб совға учун ҳукуматимизга, қурувчиларимизга ташаккурлар айтамиз.



605-болалар боғчасининг очилиш маросимида иштирок этган Сирғали тумани ҳокими М. Йўлдошев, туман халқ таълими бўлими мудири Т. Султонов, маҳалла фаолларидан З. Назиров, 70-қурилиш бошқармаси бош муҳандиси Н. Содиқов ва бошқалар тарбиячилар ва болажонларни янги йил айёми ва кўркам боғча биносининг ишга туширилиши билан қутладилар.

Боғчанинг очилиш маросимига жажжиларнинг янги йил тантаналари уланиб кетди. Арча атрофидаги қувноқ шеъру қўшиқлар, рақслар саҳна кўринишлари қўшалоқ тантанага ўзига хос завқ ва шавқ бахш этди.

**З. УСМОНОВА.**

## АМИР ТЕМУР ЙИЛИ КЕЛДИ

*Биздан рози кунлар, хайр, хуш қолинг,*
*Гинали кунлардан узр сўрайман.*
*Келаётган йилим, сафо келибсан,*
*Мен сендан на гавҳар, на дур сўрайман.*
*«Узбекман» деганга «Уз Бек»ка лойиқ*
*Орият сўрайман, ғурур сўрайман.*
*Ва яна жасорат аталмиш қанот,*
*Садоқат аталмиш дул-дул сўрайман.*
*Келинчак қўлига сунбул сўрайман,*
*Момолар тилига «шукур» сўрайман.*
*Кучли дарёларга оқ йўл сўрайман,*
*Яшил оғочликка булбул сўрайман.*
*Ўзимга шу уйғоқ кўнглим етади,*
*Шу уйғоқ кўнглимга умр сўрайман.*

Умримдан яна бир йил кечди, ўзим билан кўпроқ юзма-юз келаман: сочимда кун сайин кўпайиб бораётган оқ толалар, манглийимдан юзимга шоҳалаётган ажинлар кўринаверади, армонларим юрагимга билинади. Олис Хоразмдаги онам тушларимга киради. Кўпинча, оппоқ кийимда уйимизга элтадиган йўлдан менга қараб, қулочини очиб, югуриб келаётган бўлади. Йўлнинг икки четидаги ўриклар оппоқ қизғиш гуллаган бўлади. Мен ҳам чопиб бораётиб, уйғониб кетаман. Баъзан Орзу ё Нажотнинг «Энажон!» деган товуши тушимни синдиради. Демак, болаларим ҳам шу тушни кўради, соғинч қароқларимда узоқ вақт ёш бўлиб ҳалқаланади.

Умримдан яна бир йил ўтди — озодлигимизнинг яна бир йили. Шу жумлани айтишим билан жисми жонимга қудрат қуюлгандай бўлади.

Метро йўлакларида, автобус, трамвай бекатларида «жевачка, жевачка!» деб харидор чақираётган болалар, бозорларда баҳайбат қоплар олдида ҳорғин ўтирган аёллар, бир кўзи тарози бир кўзи сизда аланг-жаланг савдо қилаётган учар дўкондорлар — яна аллақанча нохуш манзаралардан дилимга тушган хиралик «Озодлик» сўзининг ойдинлигида қолади. Хотирам кўзгуси ярқирай бошлайди:

...Ана, юртбошимиз

Қутлибека,
халқ таълими аълочиси.

Хитойда,
Қурияда,
Японияда,
Туркияда,
Олмонияда.

Турли иқлимларда яшаб, турли лаҳжаларда сўзлашувчи эл-элатлар кўзида Ўзбекистоннинг ой-юлдузли байроғи баландлай бошлайди, мадҳиямиз жаранглайди: «Ана, юртбошимиз қорликлар, музликлар, харсанглар аро очган сўқмоқлардан бизга ҳам келаётирлар:

Америка,
Франция,
Индонезия,
Ҳиндистон,
Покистон.

Бу шунчаки, сафарлар, оддий борди-келдилар эмас. Бу шавкатли салтанат Туркистондан ёдгор зурриёдлар омон эканлигини ва уларнинг бири Узбекистон эканлигини дунёга билдиришга интилишдир. Утириб қолган юртни турғазишга, юргизишга, дунё майдонларига олиб чиқишга уринишдир.

...Ана, «Туркистон — умумий уйимиз» шиори баланд минбарларда жаранглади. Бу ҳам оддий шиор эмас, уйғонган қоннинг овози, тирилган хотира ҳаракатидир.

...Ана, тили эндигина «р», «з»га айланган қора кўзлар «Узбекистон», «Туркистон» отларини қўшиб шеър айтаётирлар. Ана, ўсмир болалар ҳазрати Навоий, Бобур сувратларини чизишга журъат қилаётирлар... инглиз, араб тилларида эркин сўзлашаётирлар...

Ўзим айтаману, айтганларимни ўзим соғинаман, хотира сандиғимизга кириб кетаётган азиз йилнинг азиз лаҳзаларини кафтларимда силагим келади.

«...Унинг давлатчиликни барпо этишдаги, фан, таълим ва маданият тараққиётидаги улкан ҳиссасини назарда тутиб...» Сухандонлар овози ўз овозига ўхшамайди: ғойибдан бир садо қўшилгандай туюлади менга.

«1996 йил Амир Темур йили деб эълон қилинсин». Демак, келаётган йилнинг барча кунлари соҳибқирон бобомизники! Бу йилнинг ҳар нафаси бизни халқ бўлмоққа чорлайди. Биз тайёрмизми шу масъулиятта?

«Ватан» деганда етмиш икки томиримизда бирдай муҳаббат акс-садо берадими? Тилимиз билан кўнглимиз бирми? Боғчаларимизга «Соғлом авлод учун жонимиз фидо» шоирини ярқиратиб қўйиб, ўзимиз гўдаклар тегишини ими-жимида халталаб уйимизга ташимаяпмизми? Машғулотларни хўжа кўрсинга ўтмаяпмизми? Мактабчи? «Мустақил Ватаннинг келажаги қўлимизда» деб йиғинларда сўз айтиб, ўқувчиларимизни ҳамкасбимизга ойлаб ташлаб, касаллик варақалари очдириб, ўзимиз шаҳарма-шаҳар савдогарлик қилмаяпмизми, ҳатто шу топган молларимизни ўқувчиларга сотгани ҳижолат бўлмаяпмизми?

Олий ўқув юртлари-чи? «Энг аъло кадр — мақсадимиз» дея қилаётган эзгу ишларимиз ҳамиша бир текис кечяптими? Синов, имтиҳонларда билим, истеъдодни эмас, доллар, сўмларни мезон қилмаяпмизми? Ўзгаларни-ку қўйиб турай, ўзим-чи?

Болаларимни ота мерос юртнинг гиёҳидан тоғигача, хастасидан соғигача меҳр руҳида тарбия қилаяпманми? Мадҳиямиз билан бирга юраклари қалқийдими уларнинг?

### Бедор кўнгил нидоси

Давлат тикланиши миллат тикланиши, юрак тикланишидан бошланиши керак. Бояги қатор саволларга рўпара келганда, ҳар ким ўзининг кўзига тик қараб, «ҳа!» деб жавоб бериши керак. Менинг «ҳа» деганим ўзимга зўрға эшитилади. Мен ҳали бутун вужудимни жамлашим, юрагимга бўйсундиришим керак. Ватанимнинг «Қутлибека» деган бир бўлакчаси, бир парчасини эртаги кунга ҳозирлашим керак. Озодликда яшашим учун нафсдан, мудроқлик, лоқайдлик, қўрқоқлик — барча иллатлардан тўла озод бўлмоғим керак! Узини енгган ғолиб — чин ғолибдир.

Амир Темур йили келди. Соҳибқирон бобомиз бизга тин олмасдан даъват қиладилар: «Куч адолатдадир!», «Заифаларни қўрингиз!», «Миллатнинг дардларига дармон бўлингиз!», «Куч билимдадир». Белимизни маҳкам боғлайлик, бу даъватлар ижроси бугун бизнинг зиммамизда!

*Келаётган йилим, сафо келибсан*
*Мен сендан на гавҳар, на дур сўрайман.*
*Юртимга Тангридан бир илиқ назар,*
*Мунаввар юзидан бир нур сўрайман.*

# 1996

| | ЯНВАРЬ | ФЕВРАЛЬ | МАРТ | АПРЕЛЬ |
|---|---|---|---|---|
| Душанба | 1 8 15 22 29 | 5 12 19 26 | 4 11 18 25 | 1 8 15 22 29 |
| Сешанба | 2 9 16 23 30 | 6 13 20 27 | 5 12 19 26 | 2 9 16 23 30 |
| Чоршанба | 3 10 17 24 31 | 7 14 21 28 | 6 13 20 27 | 3 10 17 24 |
| Пайшанба | 4 11 18 25 | 1 8 15 22 29 | 7 14 21 28 | 4 11 18 25 |
| Жума | 5 12 19 26 | 2 9 16 23 | 1 8 15 22 29 | 5 12 19 26 |
| Шанба | 6 13 20 27 | 3 10 17 24 | 2 9 16 23 30 | 6 13 20 27 |
| **Якшанба** | **7 14 21 28** | **4 11 18 25** | **3 10 17 24 31** | **7 14 21 28** |

| | МАЙ | ИЮНЬ | ИЮЛЬ | АВГУСТ |
|---|---|---|---|---|
| Душанба | 6 13 20 27 | 3 10 17 24 | 1 8 15 22 29 | 5 12 19 26 |
| Сешанба | 7 14 21 28 | 4 11 18 25 | 2 9 16 23 30 | 6 13 20 27 |
| Чоршанба | 1 8 15 22 29 | 5 12 19 26 | 3 10 17 24 31 | 7 14 21 28 |
| Пайшанба | 2 9 16 23 30 | 6 13 20 27 | 4 11 18 25 | 1 8 15 22 29 |
| Жума | 3 10 17 24 31 | 7 14 21 28 | 5 12 19 26 | 2 9 16 23 30 |
| Шанба | 4 11 18 25 | 1 8 15 22 29 | 6 13 20 27 | 3 10 17 24 31 |
| **Якшанба** | **5 12 19 26** | **2 9 16 23 30** | **7 14 21 28** | **4 11 18 25** |

| | СЕНТЯБРЬ | ОКТЯБРЬ | НОЯБРЬ | ДЕКАБРЬ |
|---|---|---|---|---|
| Душанба | 2 9 16 23 30 | 7 14 21 28 | 4 11 18 25 | 2 9 16 23 30 |
| Сешанба | 3 10 17 24 | 1 8 15 22 29 | 5 12 19 26 | 3 10 17 24 31 |
| Чоршанба | 4 11 18 25 | 2 9 16 23 30 | 6 13 20 27 | 4 11 18 25 |
| Пайшанба | 5 12 19 26 | 3 10 17 24 31 | 7 14 21 28 | 5 12 19 26 |
| Жума | 6 13 20 27 | 4 11 18 25 | 1 8 15 22 29 | 6 13 20 27 |
| Шанба | 7 14 21 28 | 5 12 19 26 | 2 9 16 23 30 | 7 14 21 28 |
| **Якшанба** | **1 8 15 22 29** | **6 13 20 27** | **3 10 17 24** | **1 8 15 22 29** |

## Янги йил ҳазиллари



«Миллий руҳ», «Қадрият» танловлари ғолиби, филология фанлари доктори, профессор Асқар Зуннуновга

*Асқар бобо адабиёт*
*Илмига кўп қўшган зар.*
*Букун, ана, китоблари,*
*Бўйи билан баробар.*
*Саксонинчи тўн елкада,*
*Лекин ҳамон толибдир.*
*Шунинг учун олим бобо*
*Танловларда ғолибдир.*



«Йил тарбиячиси — 95» кўрик-танловининг ғолиби, Нукус шаҳридаги 34-болалар боғчасининг тарбиячиси Гулбаҳор Сапаровага

*Болалар дер: «тез улғайиб,*
*Куч-қувватга тўлсайдим.*
*Гулбаҳор опам каби*
*Боғча опа бўлсайдим».*
*Катталар-чи: «мўъжиза-ла*
*Бола бўп қолсам, — дейди, —*
*Гулбаҳорнинг боғчасида*
*Тарбия олсам», — дейди.*

## Янги йил ҳазиллари



«Йил ўқитувчиси» танловининг ғолиби, Янгибозор туманидаги 19-ўрта мактаб ўқитувчиси Гавҳар Ибодуллаевага

*Маърифатда инжу кўпдир,*
*Сара, тиниқ, чўнг бари.*
*Ўз жилоси, қиймати бор.*
*Хоразмнинг Гавҳарин*
*Шеърлари — дарс, дарслари — шеър,*
*Хуллас, санъат элидан.*
*Аҳли Ҳўқанд хўп завқ олди,*
*Аваз Ўтар «Тил»идан.*




«Йил мактаби» танловининг ғолиби, Сирдарё вилояти Мирзаобод туманидаги 21-ўрта мактаб директори Баҳодир Розиқовга

*Ватан қадди букилмас,*
*Бола бўлса баҳодир.*
*Яна илмли бўлса*
*Барча ишларга қодир.*
*Янгилик бола учун*
*Энг соз маънавий озиқ*
*Шу боис, янгиликка*
*Ўчдир Баҳодир Розиқ.*

**Мусаввир: Нурали НУРМОНОВ.**

## ТОПҚИРЛИК МАШҚИ

*Азиз муштарий! Қуйида таърифланган сўзларни шаклдаги рақамли хонадан марказ томон ёзиш билан машқни ҳал этинг.*

1. Янги йил даракчиси. 2. Заргарлик буюми — тақинчоқ. 3. Янги йил бошланадиган мамлакат пойтахти. 4. Шеърият анжумани. 5. Алишер Навоий ғазали билан ижро этиладиган машҳур мумтоз ашула. 6. Дунёда илк тақвим йил ҳисобини юзага келтирган Мисрда яшаб ўтган башоратчилар. 7. Саид Аҳмаднинг «Уфқ» романи қаҳрамони. 8. Ўзбек халқ достонлари туркуми. 9. Оммавий суворийлар мусобақаси. 10. Мўғулистонда янги йилдан хабар берадиган касб эгаси. 11. Шарқона янги йил бошланадиган ой номи. 12. Ўзбек халқ рақс куйи. 13. Мамлакатимизда ижтимоий адолатни қарор топтиришда муҳим аҳамият касб этаётган ҳудудий бўлинма. 14. Тарафма-тараф бўлиб айтиладиган қўшиқ. 15. Шарқ халқларининг қадимий йил ҳисоби. 16. Мавсумий савдо-сотиқ бозори. 17. Совға, тортиқ. 18. Таъми ширин жануб меваси. 19. Мамлакатимизда қарор топаётган иқтисодиёт. 20. Ширинлик тури. 21. Янги йилни аҳолиси биринчи бўлиб кутиб оладиган ярим орол. 22. Машҳур рақс дастаси. 23. Наманганлик маърифатпарвар шоир, тилшунос. 24. 1996 йилда олтмиш йиллиги нишонланадиган Ўзбекистон халқ шоири.

**Фозилжон ОРИПОВ.**





*Умр ҳам бир эртак. Йилларнинг инсонга айтган эртаги. Дақиқа — мўъжиза, сония — мўъжиза.*

*Ана шундай мўъжизали сониялардан бири — Янги йил. Йилнинг хотима, эртаги. Тошкент Давлат циркида ўша рангин оламнинг ҳаяжонли онлари болаларнинг бокира нигоҳида тизим-тизим бўлиб ўтди. Қорбобо, Қорқиз, Фаришта, Ялмоғиз, Қароқчилар. Яна ўргатилган ҳайвонлар. Хуллас, эртак. Йилнинг эртаги. Умрнинг эртаги.*

**Р. Альбеков олган суратлар.**

# ВАТАН МЕҲРИ ЁҒДУ СОЧАР ЙЎЛИМГА

***

*Ватан меҳри қуёш янглиғ сочар йўлимга ёғдулар,*
*Дилимда янгидан-янги очар гул эзгу орзулар.*

*Гўдакликдан она сутдек юракнинг қонига сингмиш*
*Ватан меҳрига йўғрилган муҳаббат, ишқий туйғулар.*

*Бобо юртим қучоғида туғилдим, яйрадим, ўсдим,*
*Лабимдан учди ёшликда покиза қанча кулгулар.*

*Ватан ишқи билан ёниб яшайман кечаю кундуз,*
*Меҳр кўзгуси олдида хирадир ўзга кўзгулар.*

*Озод, эй мустақил юртим, мисоли сен ёруғ юлдуз,*
*Юзингга солмасин соя қора булутли қайғулар.*

*Қучиб шонли зафар шуҳрат тарат сен ҳам жаҳон аро*
*Қадим Шарқда қуёшдай нур сочиб тур мангу-мангулар.*

*Бу йўлда порлоқ истиқбол тилайди сенга Арслон ҳам,*
*Ватан меҳрига бердим мен юракдан кучли урғулар.*

**Арслон УМАРОВ.**
**Бўка шаҳри.**

## ДАВРА ФАЙЗИ

*Букун давра қуриб нурли ва кўркам*
*Шеърият базмига чорлабди ўлкам.*
*Навоий, Огоҳий, Ферузинг ҳамдам*
*Туйингдир, май рангин янокда қолдир,*
*Шеър юртида бизни қўноқда қолдир.*

*Хоразм азалдан ашъорлар юрти,*
*Ҳожихон, Комилжон хўшхонлар юрти,*
*Сувора авжига хуморлар юрти,*
*Нафас қил, осмонни пештоқда қолдир,*
*Булбулни мангуга бутоқда қолдир.*

*Ортиқ куйлар шеъринг ўзбекка шондир,*
*Нолаю-авжлари танларга жондир,*
*Ул кирган давралар жаннатмакондир,*
*Қалбингни тонг тўла буёқда қолдир,*
*Рангин табиатни бир доғда қолдир.*

*Зеҳнинг тан олмади тақиқ чекларни,*
*Фош эттинг нуқсону-думоқ кекларни.*
*Шеърга сол куйлай бер ҳур ўзбекларни,*
*Номингни минг бовли аймоққа қолдир,*
*Ғарбу-Шарқ, Ҳинду-Шом, Ироқда қолдир.*

*Инсон табиати мисли кўпкари,*
*Биров ортда қолар, биров илгари.*
*Жиловни дадил қўй чўққилар сари*
*Йўлингни не тўсса туёқда қолдир,*
*Менман деганларни улоқда қолдир.*

*Ҳазрати Полвон пир бўлгай мижозинг,*
*Эл аро янграгай юз йил овозинг,*
*Мангуга айлансин ашъор қоғозинг,*
*Юртга содиқларни тупроқда қолдир,*
*Сохта полвонларни пироқда қолдир.*

*Қалбингга жо бўлса юксак ғоялар,*
*Йўлингга ғов бўлмас тоғлар-қоялар.*
*Шурҳатинг порлагай тушмай соялар,*
*Шеърингни айт, Омон, ул оқда қолдир,*
*Бул Зариф оғонгни қувноқда қолдир.*

**Зариф МАТЧОН.**
**Самарқанд шаҳри.**

## ХАНДАЛАР

***

*— Биласизми, менинг хотиним фаришта!*

*— Бахтли экансиз, менинг хотиним ҳали тирик.*

* * *

*— Соатингиз неча бўлди?*

*— Билмайман.*

*— Тўхтаб қолдими?*

*— Йўқ, юряпти.*

*— Бўлмаса нега айтмайсиз?*

*— Уйда-да.*

* * *

*— Дўхтир, тилингни чиқар деган эдингиз, ҳали ҳам чиқариб ўтирибман.*

*— Мен касаллик тарихини сукунатда ўқишни яхши кўраман.*

* * *

*— Биз нега кўп болали бўлишни яхши кўрамиз? — дея сўрабди бир қўшни иккинчисидан.*

*— Тарбияни эплолмаганлигимиз учун.*

*— Ие, унда болани кўпайтиришнинг нима кераги бор?*

*— Бир-бирига қараши учун-да!*

**Қидирбой ТЎЛЕБОЕВ тайёрлади.**

## ЛОФЛАР

*— Полизимизда етилган «Нўхат полвон» навли тарвузимизни жуғрофия дарсида глобус сифатида фойдаланиш мақсадида ўн кишилашиб юмалатиб келсак, мактабимизнинг дарвозасидан сиғмай қолса бўладими, — деди Нодир лофчи. — Ноиложликдан уни кесиб олиб кирган эдик, ярмиёқ бутун хонани эгаллади. Еб битиролмай, болалар боғчасига тортиқ қилишга мажбур бўлдик.*

*— Шунга шунча гапми? — деди пинагини бузмай Қодир лофчи. — Мана, бизнинг томорқада етилган ошқовоқнинг таърифини эшит. Ундан бутун маҳалламиз қиш бўйи сомсаю манти қилиб чиқди. Уруғидан эса бир йилга етгулик мой олдик.*

* * *

*— Қишлоғимиз ёнидаги кўлдан балиқ тутаман деб ўзимни йўқотиб қўяй дедим, — лоф ура кетди Қодир лофчи. — Ташлаб қўйган тўримга, бир лаққа илинибдики, уни тортиб олгани қўшнимиз Мурод аканинг «Белорусь» тракторини ёрдамга чақиришга тўғри келди.*

*— Ҳа, гапингда жон бор, — тасдиқлади Нодир лофчи.— Кеча мен ҳам ўша ерда балиқ тутган эдим. Уни нимта-нимта қилиб «КРАЗ» машинасига юклаб, уйга равона бўлайлик десак, машина жойидан қўзғалмади. Балиқнинг юки уни босиб қолибди.*

* * *

*— Нодир, — дея дўстига юзланди Қодир, — уйимизда юрган мушугимни кўргансан-а, шу жуда антиқа чиқиб қолди. Кеча сичқон ини олдида ўтириб олиб, ўткир нигоҳ билан қўлчаларини кўтариб, тебраниб қолувди, сичқон болаларини ҳам етаклаб чиқиб, унга емиш бўлди.*

*— Мушугингни анча тарбиялабсан. Балли, — сўз бошлади Нодир. — Аммо бизнинг мушугимиз олдида ип эшолмас экан. У бугун эрталаб молхонамиз томига чиқиб олиб, кўзларини чақнатиб атрофга бир назар ташлаган эди, ҳовлимиздаги, ҳатто икки-уч ҳовли наридаги барча сичқону каламушлар бош эгиб, олдида саф тортишди.*

**Асқарали МАМАТОВ.**
**Чортоқ тумани.**

Ма'рифат
*ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:*
*Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.*

Бош муҳаррир
Саъдулла ҲАКИМ.

Руйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчи: Асқар Шокиров.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-022. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6